



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 29 » avgust

№ПК-264

Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сиёсий фаоллигини ва сайловчилар олдидаги масъулиятини янада ошириш, сайлов округларидаги ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ташаббускорлигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш, ташаббусли бюджет жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари (кейинги ўринларда – депутатлар)нинг ҳудудларда ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:
 - (а) сайлов округларида ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун депутатларни зарур ресурслар билан таъминлаш амалиётини йўлга қўйиш;
 - (б) ташаббусли бюджет лойиҳаларини молиялаштиришда олий давлат вакиллик органи томонидан назоратни кучайтириш;
 - (в) ижтимоий масалаларга оид лойиҳаларни аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштириш тартибини жорий қилиш.

II. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ташаббусли бюджет жараёнларидаги ролини ошириш

2. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг:

- (а) ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида **ғолиб бўлмаган лойиҳани депутат ташаббусига кўра** ғолиб деб эълон қилиш;
- (б) Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мазкур жараёнларни мувофиқлаштириш, лойиҳаларнинг молиялаштирилиши ва амалга оширилиши устидан парламент назоратини олиб бориш учун **11 нафар депутатдан иборат парламент комиссиясини ташкил этиш**;
- (в) депутатларнинг сайловчилар билан мулоқоти давомида аниқланган масалалар бўйича **бюджет сўровини шакллантириш** учун ҳар йили **1 майга қадар** республика ижро этувчи ҳокимият органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимликларига таклифлар киритиш ва Давлат бюджети лойиҳасининг Қонунчилик палатасидаги муҳокамаларида киритилган таклифлар инobatга олинишини **депутатлар томонидан назорат қилиш амалиётини йўлга қўйиш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таклифларини маъқуллаш доирасида шундай тартиб ўрнатилсинки, **2026 йил 1 январдан бошлаб**:

- (а) депутатлар **ҳар йили ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида** тегишли сайлов округларида ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан аҳолининг **кундалик ҳаётига ва ҳудудни ривожлантиришга** бевосита таъсир қиладиган **иккита лойиҳани** (ҳар мавсумда биттадан) сайловчиларнинг манфаатларини инobatга олган ҳолда “Очиқ бюджет” ахборот порталида (кейинги ўринларда – портал) **танлайди** ва мазкур танлов лойиҳани **Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан** молиялаштириш учун асос ҳисобланади;
- (б) порталда **депутат ташаббуси асосида** молиялаштириладиган лойиҳалар учун **алоҳида саҳифа** ташкил этилиб, шу турдаги барча лойиҳаларнинг жамоатчилик учун очиқ рўйхати юритилади.

4. Белгилансинки:

- (а) ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида **ғолиб бўлмаган** лойиҳаларни молиялаштириш учун ҳар бир депутатга **бир йилда икки мавсумга базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг баравари миқдорида** маблағ ҳар йилги Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан назарда тутилади;
- (б) депутатлар ташаббуси лойиҳалари учун қўйиладиган талаблар амалдаги **Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомда** назарда тутилган мезонлар асосида аниқланади.

III. Лойиҳаларни аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштириш тартибини жорий қилиш ва айрим масалалар бўйича ташаббусли бюджет жараёнларини соддалаштириш

5. 2026 йил 1 февралдан бошлаб ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида **ижтимоий аҳамиятга эга** лойиҳаларни аҳоли ва давлат ўртасида **шериклик асосида молиялаштириш амалиёти** жорий этилсин.

Белгилансинки, ташаббускор **аҳоли томонидан лойиҳалар қийматининг 50 фоиз қисми** ихтиёрий равишда молиялаштирилган тақдирда лойиҳалар **ғолиб** деб топилади ва қолган **50 фоизи Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан** молиялаштирилади.

6. 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қўйидагиларга ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида сўнгги мавсумларда **кетма-кет икки маротаба ғолиб** деб топилган маҳаллалар учун навбатдаги **иккита мавсумда лойиҳа киритиш имкониятини чеклаш қоидаси қўлланмаслиги** белгилансин:

- (а) маҳаллалари сони **15 ва ундан кам бўлган туман ва шаҳарлардаги** барча маҳаллаларга;
- (б) аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштириладиган лойиҳаларга.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг суд ва бошқа органлар **ижро ҳужжатларига асосан ундирувлар фуқаролар ташаббуси жамғармаларига қаратилмаслигига** оид қоидалар бўйича тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.
8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2025 йил 1 ноябрга қадар** порталда жамоатчилик учун очиқ бўлган ташаббусли бюджет жараёнларида ёлиб деб топилган лойиҳаларнинг интерактив харитасини ишга туширсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2026 йил учун Давлат бюджетини шакллантиришда **Ўзбекистон Республикаси республика бюджетид**а жами **1 триллион сўм**, шундан депутатлар ташаббуслари лойиҳалари учун **494 миллиард сўм**, шериклик асосида молиялаштириладиган лойиҳалар учун **506 миллиард сўм** маблағни назарда тутсин, кейинги йилларда худди шундай тартибда молиялаштиришни амалга оширсин.
10. Ҳисоб палатаси **2026 йил 1 февралдан бошлаб** ҳудудларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўрганиб бориш бўйича ишчи гуруҳлар орқали ташаббусли бюджет жараёнларида ёлиб бўлган лойиҳаларни **қонунчиликка асосан молиялаштириш ва самарадорлигини таъминлаш жараёнлари устидан қатъий назорат** ўрнатсин ва ҳар йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.
11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **2025 йил 1 ноябрга қадар** Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Олий Мажлис Сенатига таклиф киритсин.

- 12.** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказишни ташкиллаштиради.
- 13.** Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров белгилансин.
- 14.** Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри